I. КОРХОНА ВА ТАШКИЛОТЛАР ФАОЛИЯТИНИНГ УМУМИЙ ТАВСИФИ
(фермер ва деҳқон хўжаликларисиз)

Корхоналар ва ташкилотлар ягона давлат регистри маълумотларига кўра, 2020 йилнинг 1 апрель ҳолатига рўйхатга олинган юридик шахслар сони 26981 тани ташкил қилиб, шундан 26073 таси ёки 96,6 фоизи фаолият кўрсатмоқда.

Иқтисодий фаолият турлари бўйича рўйхатга олинган корхона ва ташкилотларнинг асосий қисми савдо 6572 та (24,4 фоизи), қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги 3765 та (14,0 фоизи), саноат 3687 та (13,7 фоизи), қурилиш 3218 та (11,9 фоизи), яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар 1250 та (4,6 фоизи) соҳаларига тўғри келади.

Рўйхатга олинган ҳамда фаолият кўрсатаётган корхона ва ташкилотлар иқтисодий фаолият турлари бўйича қуйидагича тақсимланади
(2020 йил 1 апрель ҳолатига)

	Рўйхатга олинганлар		***Фаолият кўрсатаётганлар***	
	бирлик	***якунга нисбатан фоизда***	***бирлик***	***якунга нисбатан фоизда***
Жами	**26981**	**100,0**	**26073**	**100,0**
шу жумладан:				
Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги	3765	14,0	3600	13,8
Саноат	3687	13,7	3570	13,7
Қурилиш	3218	11,9	3098	11,9
Савдо	6572	24,4	6367	24,4
Ташиш ва сақлаш	920	3,4	894	3,4
Яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар	1250	4,6	1188	4,6
Ахборот ва алоқа	313	1,2	300	1,2
Соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш	638	2,4	628	2,4
Бошқа турдаги хизматлар кўрсатиш	6618	24,4	6428	24,6

Рўйхатга олинган корхоналар умумий сонининг 88,0 фоизи нодавлат мулки шаклидаги корхоналар, шундан 37,8 фоизи хусусий корхоналар, 0,9 фоизи чет эл сармояси иштирокидаги корхоналар, 0,2 фоизи акциядорлик жамиятлари, 61,1 фоизи бошқа корхоналар улушига тўғри келди.

Рўйхатга олинган хўжалик юритувчи субъектлар юридик шахслар мулкчилик шакллари бўйича қуйидагича тақсимланади

(умумий сонига нисбатан фоизда)



2020 йил январь-мартда жами 1271 та янги корхона ва ташкилотлар рўйхатга олинган (шундан кичик бизнес субъектлари 1209 та). Уларнинг асосий қисми Қарши шаҳри (вилоят бўйича рўйхатга олинган жами корхона ва ташкилотларнинг 19,5 фоиз), Чироқчи (10,6 фоиз), Қарши (7,5 фоиз), Косон (7,4 фоиз) туманларига тўғри келди.

Иқтисодий фаолият турлари бўйича янги рўйхатга олинган корхона ва ташкилотларнинг 33,4 фоизи савдода, 21,2 фоизи қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги 17,2 фоизи саноатда, соҳаларига тўғри келади.

Ҳисобот даврида 286 та корхона ва ташкилотлар фаолияти тугатилган.

Рўйхатга олинган юридик шахсларни мулкчилик шакллари бўйича тақсимлаш

(фермер ва деҳқон хўжаликларисиз) бирликда

	Жами, бирлик	*давлат*	*нодавлат*	*шундан хусусий*
Вилоят бўйича:	**26981**	**3236**	**23745**	**8968**
шаҳарлар:				
Қарши	5624	415	5209	1258
Шаҳрисабз	1705	165	1540	751
туманлар:				
Ғузор	1255	189	1066	428
Деҳқонобод	1310	184	1126	851
Қамаши	1805	224	1581	665
Қарши	2104	198	1906	764
Косон	2089	260	1829	466
Китоб	1787	244	1543	852
Миришкор	908	144	764	190
Муборак	971	109	862	199
Нишон	1059	131	928	347
Касби	1076	170	906	343
Чироқчи	2230	341	1889	720
Шаҳрисабз	1285	217	1068	412
Яккабоғ	1773	245	1528	722

Корхона ва ташкилотлар сони
(фермер ва деҳқон хўжаликларисиз)

	2020 йил 1 апрель ҳолатига рўйхатга олинган	*2020 йил январь-март ойларида*	
		ташкил топди	*тугатилди*
Вилоят бўйича:	**26981**	**1271**	**286**
шаҳарлар:			
Қарши	5624	248	18
Шаҳрисабз	1705	68	6
туманлар:			
Ғузор	1255	54	13
Деҳқонобод	1310	76	17
Қамаши	1805	80	9
Қарши	2104	95	23
Косон	2089	94	46
Китоб	1787	66	14
Миришкор	908	56	27
Муборак	971	48	15
Нишон	1059	85	23
Касби	1076	52	22
Чирокчи	2230	135	15
Шаҳрисабз	1285	51	17
Яккабоғ	1773	63	21

2020 йилнинг январь-март ойларида хорижий капитал иштирокидаги рўйхатдан ўтган янги корхоналарнинг сони 13 тани ташкил қилган. Бу кўрсаткич эса ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 15 тага камайган.

Бунда, Хитой Халқ Республикаси резидентлари капитали иштирокида 4 та, Россия Федерацияси 3 та, Афғонистон 2 та ва бошқа давлатлар ҳамкорлигида 4 та корхоналар рўйхатдан ўтган. Шунингдек, 2020 йилда Украина ва бошқа давлатлар резидентлари қўшма фаолиятга қизиқиш билдирдилар.

Хорижий капитал иштирокидаги фаолият кўрсатаётган корхоналарнинг давлатлар кесимида сони, бирликда

Шунингдек, хорижий капитал иштирокидаги фаолият кўрсатаётган корхоналарнинг 149 таси қўшма, 56 таси эса хорижий корхоналар ҳисобига тўғри келади.

Янги ташкил этилган хорижий капитал иштирокидаги корхоналарнинг давлатлар кесимидаги сони

(2020 йил январь-март ойларида)

(бирликда)



Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 25 декабрдаги "Корхоналар ва ташкилотларнинг ягона давлат регистри тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида"ги 274-сонли қарорига мувофиқ тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказувчи орган томонидан тақдим этилган билдиришномага асосан Корхоналар ва ташкилотларнинг ягона давлат регистри базаси юритилади.

Агар фаолият юритаётган хорижий капитал иштирокидаги корхоналарни иқтисодий фаолият турлари кесимида ушбу маълумотларни 2020 йил 1 апрель ҳолатига кўрсак энг кўп саноатда 108 та (52,7 %), қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалигида 33 та (16,1 %) ҳамда савдода 27 та (13,2 %), қурилишда 11 та (5,4 %), яшаш ва овқатланиш бўйича хизматларда 10 та (4,9 %) ташкил қилган. Энг камлари эса ахборот ва алоқа 3 та (1,5 %), соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатишда 4 та (2,0 %) ташкил

қилган. Шундан кўриниб турибдики, фаолият юритадиган хорижий капитал иштирокидаги корхоналарнинг асосий қисми саноат ва қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги фаолият турига тўғри келаркан. Шунингдек, энг кам улуши эса ахборот ва алоқада, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш фаолият турларига тўғри келади.

Фаолият кўрсатаётган хорижий капитал иштирокидаги корхоналарни иқтисодий фаолият турлари бўйича таркиби, фоизда

Оилавий корхоналар сони

Қашқадарё вилояти бўйича жами юридик шахс сифатида давлат рўйхатидан ўтган оилавий корхоналар сони 2020 йилнинг 1 апрель ҳолатига 1527 тани ташкил этиб, улардан 1462 таси ёки 95,7 % фаолият юритади. Бу кўрсаткич ўтган йилнинг шу даврига нисбатан рўйхатдан ўтганлар ҳамда фаолият кўрсатаётганларнинг умумий сонини ўртача 1,7 мартага ошган.

Юридик шахс сифатида давлат рўйхатидан ўтган оилавий корхоналар, *бирликда*



Фаолият кўрсатаётган оилавий корхоналарнинг иқтисодий фаолият турлари кесимида қаралганда оилавий корхоналарнинг 486 таси 33,2 % саноат, 308 таси 21,1 % савдо, 268 таси 18,3 % яшаш ва овқатланиш хизматлари, 232 таси 15,9 % қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги, 34 таси 2,3 % соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш, 17 таси 1,2 % қурилиш, 10 таси 0,7 % ахборот ва алоқа, 8 таси 0,5 % ташиш ва сақлаш ҳамда 99 таси 6,8 % бошқа фаолият турлари ҳиссасига тўғри келмоқда.

Фаолият кўрсатаётган оилавий корхоналарни иқтисодий фаолият турлари бўйича таркиби, фоизда



Фаолият кўрсатаётган оилавий корхоналар иқтисодий фаолият турлари бўйича юқори улушга эга бўлганлари саноат (жами улушга нисбатан 33,2 %), савдо (21,1 %), яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар (18,3 %), ҳамда қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги (15,9 %), соҳаларига тўғри келади.

Фаолият кўрсатаётган кичик корхона ва микрофирмаларнинг иқтисодий фаолият турлари бўйича сони, *(бирликда)*

Иқтисодий фаолият турлари кесимида фаолият кўрсатаётган жами 21215 та кичик корхона ва микрофирмаларнинг 6334 таси (29,9 %)–савдода, 3561 таси (16,8 %)–қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги, 3529 таси (16,6 %)-саноат, 3074 таси (14,5 %)–қурилиш, 1172 таси (5,5 %)–яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар соҳасида, 872 таси (4,1 %)–ташиш ва сақлашда, 479 таси (2,3 %)–соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатишда, 294 таси (1,4 %)–ахборот ва алоқа соҳасида, шунингдек 1900 таси (8,9 %)–

бошқа фаолият турлари ҳиссаларига тўғри келади. Шундан кўриниб турибдики, фаолият кўрсатаётган кичик корхона ва микрофирмаларнинг асосий қисми савдо ва қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги фаолият турларига тўғри келади. Шунингдек, энг кам улуши эса соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар ҳамда ахборот ва алоқа соҳасида тўғри келади.

Фаолият кўрсатаётган корхоналар ва ташкилотларнинг иқтисодий фаолият турлари бўйича таркиби, фоизда

(фермер ва деҳқон хўжаликларидан ташқари)



Қашқадарё вилоятида иқтисодий фаолият турлари бўйича жами фаолият кўрсатаётган корхона ва ташкилотларнинг умумий сонига нисбатан 24,4 % савдо соҳасида, 13,8 % қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалигида, 13,7 % саноат соҳасида, 11,9 % қурилиш соҳасида, 4,6 % яшаш ва овқатланиш бўйича хизматларда, 3,4 % юк ташиш ва сақлаш, 2,4 % соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатишда, 1,2 % ахборот ва алоқа ва 24,6 % бошқа фаолият турлари ҳиссасига тўғри келади.